



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 13 декабрь, № 265 (8608) • Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Халқимиз осойишталиги ва фаровонлиги давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши

Президент Шавкат Мирзиёев аҳоли яшаш шaroитлари, қишга тайёргарлик ва ободончилик ишларини кўриш мақсадида 12 декабрь куни Тошкент шаҳридаги маҳаллаларда бўлди.

Дастлаб "Тошкент иссиқлик маркази" корхонасининг Учтепа туманидаги иссиқлик маркази бориб кўрилди. Давлатимиз раҳбари бундан роппаса бир йил олдин бу ерга келганида аҳвол жуда янгли эди. Бу марказ 1969 йилда қурилган, шундан буён капитал таъмирланмаган. Қозонхона ҳам, тармоқлар ҳам эскирган эди. Утган қишда ҳаво кескин совиған пайларда иссиқлик ишлаб чиқариш муаммо бўлган. Шу боис Президентимиз тармоқларни таъмирлаш ва барқарорлигини ошириш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Бу галги ташир чогида мутасаддилар шу ҳақда ахборот берди. Берилган топшириқлар тўла амалга оширилган. Маҳмуа қозонхонаси жами 700 Гкал қувватга эга, мингдан ортқ кўп қаватли уйлар ва 400 дан зиёд ижтимоий муассасаларга иссиқлик етказиб беради.

Жорий йилда мазут ҳўжалиги ва симиқлари қурилиб, қозонларнинг иккитаси аралаш шаклда — газ ва мазутда ишлашга мослаштирилган. Булар натижасида қозонхона ва тармоқ совуқ ҳароратда ҳам барқарор ишлайди. Бундай пайларда захираланган мазутдан ишлатилади. Қувурлар изоляцияси мустаҳкамлангани учун иссиқлик йўқотилиши ҳам камайган.

Давлатимиз раҳбари шу ерда Тошкент шаҳри ва Учтепа тумани мутасаддилари билан мулоқот қилди. Маҳаллалардаги янги "еттилик" тизими фаолиятини самарали йўлга қўйиш, ижтимоий масалаларни аҳоли талаби асосида жойларнинг ўзида ҳал этиб, одамларни роз қилиш зарурлиги таъкидланди.

Жумладан, қишга тайёргарлик бўйича кўрилган чораларни ҳам одамлар сезиши керак. Иссиқлик марказлари ва тармоқлардаги мавжуд муаммоларни тезкор бартараф этиб бориш, бино ва хонадонларда иссиқликни асраш долзарб вазифа экани қайд этилди.

Шу кун давлaтимиз раҳбари Тошкент шаҳри Ички ишлар бош бошқармасининг Ягона тезкор бошқарув марказини бориб кўрди.

Ушбу марказ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги "Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ташкил этилган.

Замонавий ускуналар билан жиҳозланган мажмуа "Геоинформацион электрон хари́та" дастури асосида ишлайди. Унга Ички ишлар, Адлия, Соғлиқни сақлаш, Транспорт ва Ҳавқулдада вазиятлар вазириликлари ҳамда Миллий гвардия, Солиқ қўмитаси каби идораларнинг 55 та электрон базаси интеграция қилинган. Тошкент шаҳридаги 10 мингдан ортқ турар ва нотураржойлардаги 7 минг 300 та видеокузатув камераси ҳам уланган.

Бу жамоат хавфсизлигига масъул куч ва воситаларни самарали бошқариш имконини бермоқда. Жумладан, кўча ва жамоат жойларида хизмат олиб бораётган ходимлар онлайн кузатиб турилади ва вазиятга қараб йўналтирилади. Натижада ҳодиса жойига 3 — 5 дақиқада етиб борилади.

Булар "хавфсиз шаҳар", "хавфсиз маҳалла" мақсадларини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларни эрта аниқлашда муҳим ўрин тутмоқда. Хусусан, ўтган даврда пойтахтда содир қилинган 925 та жиноят тезкор фoш этилган.

Ягона тезкор бошқарув марказида "Е-манзил", "Шакл-1", "Е-меҳмон", "Кадастр" дастурларидан маълумот олиш ҳам йўлга қўйилган. "Бир миллион дастурчи" лойиҳаси доирасида ўқиган ёшлар томонидан "Қалқон" номли тизим яратилган.

Буларнинг барчаси халқимиз осойишталигига масъул идораларнинг самарали ҳамкорлигини таъминлаш, маълумотларни яхлит дастурда қайта ишлаш, тезкор вазият ва қримноген ҳолатларни автоматик таҳлил қилиш, муаммоларни баҳолаш орқали тўғри қарорлар қабул қилиш имконини бераётир.

Президентимиз марказда яратилган шaroитларни кўздан кечирди. Бу тизимдан фойдаланиб, маҳаллалардаги профилактика инспекторлари ишини ҳам рақамлаштириш, жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ва

Қишлоқ ҳўжалигида эркин бозор муносабатларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари белгилаб олинди

Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурида 12 декабрь куни пахта хомашэини етиштириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари муҳоама қилинди.

Давлатимиз раҳбари раислигида жорий йил 9 ноябрь куни ўтган видеоселектор йиғилишида пахтачилик тармоғида мавжуд муаммолар таҳлил қилиниб, кластерлар ва фермерлар ўртасидаги муносабатларни янги ташкил этиш, пахта уруғчилигида илгор ёндашувларни жорий қилиш зарурлиги кўрсатиб ўтилган эди.

Йиғилишда ушбу топшириқларга мувофиқ ишлаб чиқилган тақлифлар кўриб чиқилди.

Жумладан, 2024 йил ҳосилдан бошлаб пахта хомашэсини етиштирувчилар ва пахта-тўқимачилик кластерлари ўртасида муносабатлар янги тартибда ташкил этилади.

Чигит экилишидан аввал фермер ҳўжаликлари ва вилoят ичидаги кластер ўртасида тупрок ҳосилдорлиги доирасида фьочерс шартномалари То-вар-хом ашэ биржасининг "пахта хомашэи секцияси"да ҳар бир ҳудуд учун ўтказиладиган савдолар орқали тузилади.

Бунда фермер ўзи етиштирадиган пахтанинг миқдорини биржага жойлаштиришда ҳамда баландроқ нарх тақлиф этган вилoят ичидаги кластер ушбу фермер билан фьочерс шартномасини тузади. Бошланғич нарх Нью-Йорк биржасидаги пахта толасининг охириги 12 ойдаги ўртача нархи асосида белгиланади.

Фьочерс шартномасидан ортқча етиштирилган пахта хомашэи эки ундан олинadиган бирламчи ва иккиламчи маҳсулотларни фермер ҳўжаликлари тўғридан-тўғри фьo-

черс шартномаси тузган кластерга эки биржа орқали исталган субъектга сотади.

Пахта хомашэи фермерларнинг ўз маблағлари, шу жумладан, тижорат кредитлари ҳисобидан етиштирилганда пахта хомашэи ва ундан олинadиган бирламчи ва иккиламчи маҳсулотлар биржада эркин сотилади.

Йиғилишда пахта хомашэсини етиштирувчи ҳўжаликларга биржада иштирок этиш тартиби юзасидан ўқув-семинарлар ташкил этиш муҳимлиги қайд этилди. Кластерлар ва бошқа корхоналар томонидан пахта хомашэи фақат электрон тарозини орқали қабул қилиниши ҳамда пахта толасини автоматлашган ҳисобга олиш тизими жорий қилиниши белгиланди.

2024 йил ҳосилдан бошлаб фермерлар ва кластерларга пахта хомашэсини етиштириш ва яқиний ҳисоб-китоблар учун Қишлоқ ҳўжалигини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар ажратишининг янги тизими жорий этилади.

Ажратилган кредит маблағлари ҳисобидан агротехник тадбирлар доирасида товарлар, ишлар ва хизматлар, шу жумладан, моддий ресурслар етказиб берувчилар фермер ҳўжаликлари ва кластерлар томонидан ихтиёрий танланади.

Кредит бўртмаларни тўлиқ электрон шаклда тақдим этилади.

Пахта-тўқимачилик кластерларини ташкил этиш тартибини ҳам янгилаш за-

рурлиги таъкидлаб ўтилди.

Бунда кластер ташкил этишга талабгорлар тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнларининг камида иккитала босқичини йўлга қўйган бўлиши, солиқлар ва мажбурий ажратмалардан ҳамда банк кредитларидан муддати ўтган қарздорлиги бўлмаслиги керак бўлади.

Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси тугатилиб, кластер фаолиятини ташкил этиш истагида бўлган талабгорлар очик ва шаффоф онлайн танлов асосида танлаб олинди.

Қишлоқ ҳўжалиги вазирилик кластерлар реестрини юритади ва ушбу реестрни ўзининг веб-сайтида доимий эълон қилиб боради. Вазириликка энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари тизими бўйича кластерларнинг автоматлаштирилган рейтингини юритиш дастурини яратиш топширилди.

Йиғилишда пахта уруғчилигини ривожлантириш ҳамда ҳосилдорлигини ошириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Шу мақсадда ишлаб чиқилган Президент қароридан келгуси йилдан пахта экиладиган майдонларнинг 10 фоизига тажриба-синов тариқасида хорижий пахта навларини жойлаштиришга рухсат бериш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, тажриба тариқасида 14 та туманинг балл бонитети паст, сув таъминоти оғир бўлган ҳудудларида юқори ҳосилдор маҳаллий ва хорижий

навлар жойлаштирилиши белгиламоқда.

Хориждан олиб кириладиган пахта навлари учун алоҳида агротехника ва соддалаштирилган карантин талабларини жорий этиш, ушбу навларни етиштиришни махсус карантин кузатувида ва Пахтачилик кенгаши илмий кўрсатмаси асосида олиб бориш муҳимлиги қайд этилди.

Пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермер ҳўжаликлари томонидан гўза навларини жойлаштиришда кафолатланган уруғ таъминотига мувофиқ эркинлик берилмоқда.

Республикада гўзанинг сервосил ва саноатбop янги навларини яратишни рағбатлантириш мақсадида қатор вазифалар белгиламоқда.

Жумладан, маҳаллий истиқболли гўза навларини қўпайтириш, унинг сифатли элита уруғчилигини йўлга қўйиш ҳамда навни тижоратлаштиришда кластер ва фермерларга тегишли навга ҳаммуалифлик қилишга рухсат берилади. Сертификатланган уруғлик тайёрлашни босқичма-босқич кластерлар ва хусусий уруғчилик корхоналарига ўтказиш қўзда тутилган.

2024 йилдан бошлаб 30 центнердан паст ҳосил бераётган навлар мунтазам аниқланиб, сервосил маҳаллий ва хорижий навларга алмаштириб бориш амалиёти жорий қилинади.

Қишлоқ ҳўжалиги вазириликка мазкур тизимни амалга ошириш механизмини ишлаб чиқиш ҳамда Уруғчилик маркази фаолиятини трансформация

қилишга топшириқ берилди.

Ўзбекистонда толали экинлардан чиқадиган маҳсулотлар, тола чикими, пахта саноати соҳасида махсус муассаса мавжуд эмаслиги боис пахтачилик кенгашининг илмий-тадқиқот органи — "Пахтасаноат илмий маркази" АЖ негизида Тoлали экинлар илмий-тадқиқот институти ташкил қилиш тақлиф этилди.

Шунингдек, мамлакатимизда Генетик модификацияланган организмлар ва уларнинг маҳсулотлари хавфсизлиги бўйича илмий экспертизаси жорий қилинади ҳамда генетик модификацияланган навлар миллий базаси шакллантирилади. Бу орқали ишлаб чиқарилаётган ва импорт қилинадиган ГМО маҳсулотлари хавфсизлигини баҳолаш, шунингдек, ГМО маҳсулотлари тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш йўлга қўйилади.

Соҳани рақамлаштириш мақсадида 2024 йил якунига қадар "е-уруғ" платформаси ишга туширилади. Унда уруғчилик корхоналари ва ҳўжаликларнинг ўзарo интеграциялашуви, нав ва дургайларнинг уруғ таъминоти ва захираси, ҳудудларга мослиги ва агротехнологиялар, эркин ва шаффоф жойлаштириш, қайта тақсимлаш, сертификат олиш имконияти яратилади.

Президентимиз ушбу тақлифларни маъқуллаб, янги тизимни амалиётга жорий қилиш юзасидан қатор кўрсатмалар берди.

Ў.А.

Ўзбекистон фанлар академияси жамоасига

Қадрли ватандoшлар!
Хурматли илм-фан соҳаси вакиллари!

Авалло, сиз, азизларни — заҳматқаш олим ва академиклар, иқтидорли тадқиқотчилар, докторант ҳамда аспирантларни, юртимиздаги барча илмий ходимларни бугунги кўтлуг сана — Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил этилганининг 80 йиллиги билан чин қалбимдан самимий мувoрақобд этаман.

Улуг аллома Маҳмуд Қoшғарийнинг "Олимнинг ёстиги тошдан" деган сўзларида илм ахли изланиб, машаққат чекиб бўлса-да, доимо одамларга нур улашиб яшайди, деган ҳикмат мўжасам эканини сизлар албатта яхши тушунасиз.

Биз сизларнинг тимсолингизда бамисоли игна билан кудуқ қазиб, янги тадқиқот ва ишланмалар яратётган, Янги Ўзбекистоннинг илмий-интеллектуал салоҳиятини юксалтириб келаётган ала шундай фидойи инсонларни кўраимиз.

Ушбу кўтлуг айёмда 80 йил мобайнида гоят мураккаб ва шарафли йўлни босиб ўтган Ўзбекистон Фанлар академияси юртимизда юзлаб атоқли олим ва академикларни тарбиялаб, илм-фан соҳалари бўйича нуфузли илмий мактаблар яратишга катта ҳисса қўшгани-

ни миннатдорлик билан таъкидлаймиз.

Мустақиллик даврида, айниқса, кейинги йилларда сизлар ана шундай ютуқларни буюк аждодларимиз асос солган шонли аънаналарга йўлғн ҳолда бойитиб, мамлакатимизда илм-фан ривожини янги босқичга олиб чиқмоқдасиз.

Академия тизимида туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, унинг таркибида янги илмий ташкилотлар очилиб, тизимдаги муассасалар сони қариб 1,5 баробар кўпайди. Уларни тўғридан-тўғри Давлат бюджетидан молиялаштириш тартиби йўлга қўйилди.

Етатқи олимлар, истеъдодли ёш илмий ходимларнинг фаолияти ва илмий тадқиқотларини қўллаб-қувватлаш, жамиятда илм-фан намояндalarининг обрў-эътибори ва нуфузини ошириш доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда. Соҳа вакилларининг иш ҳақи ҳамда докторантларнинг стипендияси 3 баробар, академикларнинг гонорари 2 мартадан зиёд оширилгани, илмий даражага эга илмий ходимларнинг маошига 60 фоизгача устама ҳақ тўлаш тизими жорий этилгани буни тасдиқлайди.

Фанлар академияси аъзоларининг ижтимоий-машиий шaroитини яхшилаш, соғлигини тиклаш бўйича ҳам тизимий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Тизимда фаолият кўрсатаётган тадқиқотчи-

лар учун имтиёзли асосда квартиралар ажратилди, оилали ёш докторантлар бепул уй-жойлар билан таъминланди.

Академиянинг нуфузли халқаро ташкилотлар ва ривожланган давлатлардаги илмий марказлар билан ҳамкорлиги кучайиб, улар билан биргаликда амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар кўлами икки-уч баробар кенгайди.

Стажёр-тадқиқотчилик институти қайта тикланиб, истеъдодли ёш тадқиқотчиларни тайёрлаш сифати яхшиланди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда илмий фаолият билан шуғулланаётган 30 мингдан ортқ тадқиқотчиларнинг яримидан ортинини айнан ёшлар ташкил этаётгани соҳанинг келажаги ишончли қўлларда эканидан далoлат беради.

Азиз юртдошлар!

Маълумки, миллий тарихимизда ёркин из қолдирган биринчи ва иккинчи Ренессанслар замирида аввало илм-фан ютуқлари мўжассамдир. Бугун биз барпо этаётган Учинчи Ренессанс пойдевори ҳам, ҳеч шубҳасиз, инсон қапи-тали, илм-фан, инновация ва янги кашфиётлар асосида бунёд қилинади.

Шу боис "Ўзбекистон — 2030" стратегияси доирасида илмий ва инновацион фаолият учун замонавий инфра-тузилмалар яратиш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустаҳкамлаш

бўйича кенг кўламли чора-тадбирларни белгилаб олдик. Хусусан, илм-фанга йўналтирилган маблағларнинг ялли ички маҳсулотдаги улушини 2025 йлга қадар 6 марта, 2030 йилгача эса 10 марта оширишни режалаштирганмиз.

Бундай стратегик вазифаларни амалга оширишда, биринчи навбатда, сизлар каби илм-фан намояндalarининг улкан салоҳиятига таянамиз. Биз юртимиздаги барча олим ва тадқиқотчиларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш ва илмий муассасаларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш учун бундан буён ҳам зарур куч ва имкониятларни ишга солаимиз.

Муҳтарам байрам иштирокчилари! Сизларни, сизларнинг тимсолингизда мамлакатимиз илм-фанорни ривожлантириш йўлида фидoқонна меҳнат қилаётган барча юртдошларимизни бугунги кувончли айём билан яна бир бор чин дилдан табриклайман.

Гоят шарафли ва масъулиятли вазифаларни адо этишда сизларга куч-гайрат, мустаҳкам саломатлик, оилавий бахт, янги ютуқ ва омадлар тилаймиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Мулоқот

«БМТ-АЁЛЛАР» ТУЗИЛМАСИ ДОИРАСИДА ҲАМКОРЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева "БМТ-аёллар" тузилмасининг Ўзбекистон бўйича менежери Жерен Гувен Гурес билан мулоқот ўтказди.



Учрашувда Ўзбекистонда "БМТ-аёллар" тузилмаси ўртасида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш орқали алоқаларни янада мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Хусусан, хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш ва аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш,

муносиб иш ўринлари яратиш каби йўналишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўз навбатида, мулоқот давомида Ўзбекистон дунё миқёсида гендер тенглигини таъминлаш борасида фаолиқ кўрсатиб келаётгани ҳамда 2030 йилгача бўлган гендер тенгликка эришиш бўйича стратегияни амалга ошираётгани, шунингдек, "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида белгиланган вазифалар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти гоаялари билан ҳамоханг экани алоҳида қайд этилди.

Шунингдек, суҳбат чоғида келгусида биргаликда амалга ошириладиган режалар, ҳамкорликда ўтказиладиган халқаро тадбирлар юзасидан батафсил фикр алмашилди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ташкил этилганининг 80 йиллиги

Учинчи РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ

инсон капитали, илм-фан, инновация ва янги кашфиётлар асосида бунёд қилинади

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ташкил этилганининг 80 йиллигига бағишланган юбилей тадбирлари ўтказилмоқда. Таълим, илм-фан байрамига айланган ушбу тадбирлар Президентимизнинг 2023 йил 9 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ташкил топганининг 80 йиллигига бағишланган юбилей тадбирларини ўтказишининг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ юқори даражада уюштирилмоқда.

Асосий тантанали маросим пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида ўтказилди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, ўзбек илм-фани даргалари, академиклар, турли соҳаларнинг етуқ мухтассаслари, АҚШ, Россия, Хитой, Беларусь, Туркия, Грузия, Хиндистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Эрон, Мўғулистон ва бошқа давлатлардан келган халқаро миқёсдаги йирик олимлар, тадқиқотчилар, ёшлар қатнашди.

Сарой фойесида ташкил этилган инновацион ишланмалар кўргазмаси эътиборини тортиди. Кўргазмада Фанлар академияси илмий ташкилотлари томонидан кейинги йилларда эришилган ютуқлар, мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги, тиббиёти, иқти-

содиёти, халқимизнинг маънавий юксалишига муносиб ҳисса қўшаётган лойиҳалар натижалари, илмий ишланмалар, китоблар ва рисоалар намойиш этилди.

Тадбирнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Фанлар академияси жамоасига йўллаган табригини Президент матбуот қотиби Шерзод Асадов ўқиб эшиттирди.

Табриқда таъкидланганидек, миллий тарихимизда ёркин из қолдирган биринчи ва иккинчи Ренессанслар замирида аввало илм-фан ютуқлари мўжассамдир. Бугун биз барпо этаётган Учинчи Ренессанс пойдевори ҳам, ҳеч шубҳасиз, инсон капитали, илм-фан, инновация ва янги кашфиётлар асосида бунёд қилинади.

Учинчи РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИ

Инсон капитали, илм-фан, инновация ва янги кашфиётлар асосида бунёд қилинади

Дарҳақиқат, Шавкат Мирзиёев президентлик фаолиятининг илк кунларидан илм-фани ривожлантиришнинг тараққиётга эришиш бўлмасталини таъкидлаб, давлат раҳбари сифатидаги дастлабки йиғилишнинг ҳам таълим, илм-фан соҳаси вақиллари, академиклар билан ўтказди. 2016 йил 30 декабрь кунини бўлиб ўтган ушбу тадбирда Президентимиз иқтисодиётимизнинг барча соҳаси тараққиётида илм-фаннинг ўрни, аҳамияти гоёт катта экани, бу борада давлатимиз биринчи галда Фанлар академияси ва олимларга сунганини, фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлиги ниҳоятда долзарблигини алоҳида таъкидлади. Ушбу масалаларни самарали ҳал этиш борасида устувор вазифаларни белгилаб берди.

Кейинги етти йилда соҳага оид қабул қилинган Фармон ва қарорлар, ўтказилган йиғилиш ва учрашувларда қайд этилган чора-тадбирларнинг ижроси таъминланиши натижасида бугун Фанлар академияси ва унинг институтлари, ифодали айтганда, “янгидан ҳаёт бахш этилди”. Узоқ йиллик танаффусдан сўнг 2017 йилда Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига сайлов ўтказилиб, академиклар сафиغا 32 киши қўшилди.

Президентимиз қарори билан муқаддам олий таълим муассасаларига ўтказилган қатор институтлар Фанлар академияси таркибига қайтарилди. Янги илм-фан даргоҳлари ташкил қилинди. Натижада яқин ўтмишда Фанлар академиясидаги илмий муассасалар сони 20 тага тушиб қолган бўлса, бугун улар сони 1,5 баробар кўпайди. Бу муассасаларда турли фан соҳалари бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда, ёш тадқиқотчилар тайёрлаш ва уларнинг ишлаб чиқариш, хорижий олимлар билан мустақам илмий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ўзбекистон фанининг ютуқлари, ёш олимларнинг кашфиётлари хориж илмий доираларида ҳам эътироф этилган.

— Фанлар академияси шонли тарихга эга. Айниқса, кейинги етти йилда илмий даргоҳимиз фаолияти бутунлай янги боқичага кўтарилди, — дейди Фанлар академияси президенти Бехзод Йўлдошев. — Давлатимиз раҳбарининг эътибори туфайли академия ва унинг таркибидagi институтларга қулай шарт-шароитлар яратилди. Шарқшунослик ва Математика институтларининг янги бинолари фойдаланишга топширилди. Усимлик моддалари кимёси институтида Марказий Осиёда ягона бўлган GMP-технология асосида фаолият юритилган дори воситалари субстанцияларини ишлаб чиқарувчи корхона ва Дро физикаси институти қошида “Радиопрепарат” давлат корхонаси ташкил этилди. Замонавий хорижий илмий асос-уску-

налар сотиб олинди ва уларни самарали мақсадда Жамоавий фойдаланиш марказларининг фаолияти йўлга қўйилди.

Республиканинг қатор вилоятларида Математика, Иммунология ва инсон геномикаси ҳамда Полимерлар физикаси ва кимёси институтларининг бўлинмалари ташкил этилиши ҳудудларда фаннинг ривожланиши ва улардаги муаммоларнинг ҳал қилинишига ёрдам берди.

Кўлга киритилган йутуқлар ҳам салмоқли бўлмоқда. Жумладан, Фанлар академияси олимлари кварклар сони бўйича жаҳонда рекорд

демияси академиги, 6 нафари Ёш олимлар кенгаши аъзоси (TWAS Young Affiliate) саналади. Академия олимлари сафиغا тиришқок ёшлар кўшилишида давом этмоқда. Улар — ўзбек илм-фанининг келажаги. Қолаверса, ёшларимизнинг илмий тадқиқотини қўллаб-қувватлаш, уларга қўласташига алоҳида эътибор қаратилаётди. Уларнинг илмий изланиши асосида маҳаллий хомашдан импорт ўрнини босувчи, экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда. Жумладан, олимларимиз монотипик ва поликристалл кремний олишининг янги технологиясини яратишига муваффақ бўлди. Мазкур ишланма Ўзбекистон, АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Хитой ва қатор Европа мамлакатларида патент билан ҳимояланган.

Кейинги йилларда соҳа вақиларининг иш ҳақи ҳамда докторантларнинг стипендияси уч баробар, академикларнинг гонорари 2 мартадан зибд оширилгани, илмий даражага ога илмий ҳодимлар моощига 60 фоизгача устам ҳақ тўлаш тизими жорий этилгани, ёш олимларнинг уй-жой билан таъминланаётгани ҳаётини илм-фанга бағишлаган юртдошларимиз сафи янада кенгайишига, уларнинг иштиёқ ва интилишлари кучайишига ҳизмат қилмоқда.

Фанлар академияси ва унинг институтлари 2020 йилдан бошлаб тўғридан-тўғри Давлат бюджетидан молиялаштириш тизимига ўтказилди. Стажёр-тадқиқотчи институтти қайта тикланди. Президентимиз Фармони билан иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, илмий-интеллектуал ҳамда молиявий ресурсларни тўлиқ сафарбар этган ҳолда илмий-инновацион салоҳиятдан кенг фойдаланиш, истиқболда илм-фани мунтазам ислоҳ қилиб боришининг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билимга эга ва мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий инфратузилмани модернизация қилиш ишларини сифат жиҳатдан янги боқичага кўтариш мақсадида Илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқланди.

— Ҳеч бир давлат илм-фансиз шу вақтга қадар тараққиётга эришмаган ва эриша олмайди ҳам, — дейди Фанлар академияси Математика институти директори, академик Шавкат Аюпов. — Кейинги йилларда юртимиз илм-фанга берилган эътибор соҳада шу вақтга

қадар йиғилиб қолган долзарб масалаларни ҳал этиш, илмий тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Узимизнинг институт ҳақида гапирадиган бўлсам, муассасамиз учун замонавий инновацион лойиҳалар асосида кўркам биио қад ростлади. Бу ерда олимларимизга жаҳон андозалари даражасидаги шароитлар яратилди. Бугунги кунда қўллаб ҳорижий илм-фан марказлари, хусусан, Бонн, Кембриж, Париж, Сеул каби йирк шаҳарлардаги етакчи илм даргоҳлари билан биргаликда кўша илмий лойиҳаларни амалга оширмоқдамиз. Шунга қарамай, ҳали қилишимиз лозим бўлган ишлар талай. Жумладан, давлатимиз раҳбари математикада илмий тадқиқотларни амалиёт билан боғлаш, рақамли иқтисодиёт учун мустақам пойдевор яратиш бўйича долзарб вазифаларни белгилаб берган. Ёшларда математика фанига қизиқишни, иқтидорли болаларни селекция қилиб, ихтисослаштирилган мактаблар ва олий таълим муассасаларига қамраб олиш ишларини янада кучайтиришимиз зарур.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида илмий ва инновацион фаолият учун замонавий инфратузилмалар яратиш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустақамлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар белгиланган. Хусусан, илм-фанга йўналтирилган маблагларнинг янги ички маҳсулотдаги улушини 2025 йилга қадар 6 марта, 2030 йилгача эса 10 марта ошириш режалаштирилган.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ташкил этилиши ва ривожланиши, мустақиллик йиллари ҳамда бугунги кунда илм-фанининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши тасвирланган “Учинчи Ренессанс пойдевори” номли ҳужжатли фильм намойиш қилинди.

Таниқли санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг концерт дастури йиғилганларга байрамона кайфият бахш этди.

Фанлар академияси ташкил этилганининг 80 йиллиги тадбирлари 14 декабрда қадар давом этади. “Илм-фан — Янги Ўзбекистон пойдевори” мавзuida ҳалқаро конференция, хорижий меҳмонлар, чет мамлакатлар Фанлар академиялари президентлари билан ҳамкорлик масалалари бўйича учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилиши кўзда тутилган.

Тадбир қатнашчилари академиянинг илмий муассасаларига ташиф буюриб, институтлар фаолияти билан қатнаш танишди. Шунингдек, Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойларига саёҳатлар ташкил этилди.

Дишлод КАРИМОВ (Халқ сўзи).

Сенат қўмиталарида

ТўЛОВ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖАВОБГАРЛИК КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Олий Мажлис Сенати Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитасининг кеча бўлиб ўтган мажлисида парламент мажлиси раҳбарининг наватбдаги янги мажлиси муҳокамагига киритилиши кутулаётган бир қатор қонунлар дастлабки тарзда қўриб чиқилди.

Йиғилишда, аввало, “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун тахлилдан ўтказилди.

Ушбу қонун билан Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва кодексларига жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг тўловга қобилиятсизлиги аломатлари, шунингдек, тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик қоритиш асослари аниқлаштирилиши назарда тутилган ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Хусусан, Жиноят кодексидеда сохта тўловга қобилиятсизлик, қасддан тўловга қобилиятсизликка олиб келиш ҳолатлари учун жиноий жавобгарлик асослари қучайтирилмоқда.

Мажлисида мазкур нормаларнинг амалиётга жорий этилиши ҳозирда сохта тўлов қобилиятсизлиги билан боғлиқ мавжуд қатор муаммоларга аниқ ҳуқуқий баҳо беришга замин яратиши айтиб ўтилди.

Бундан ташқари, сенаторлар томонидан “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун ҳам дастлабки тарзда муҳокама қилинди. Қонун билан 2024 йил учун Ўзбекистон Республикаси консолидацияланган бюджетнинг ҳамда параметрлари ҳамда 2025–2026 йиллар учун бюджет мўлжаллари, уларни тайёрлашда асос бўлиб хизмат қилган 2024 йил учун Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва 2025–2026 йиллар учун мақсадли мўлжаллар тасдиқланмоқда.

Мажлисида ижтимоий соҳага ажратилаётган бюджет маблаглари, хусусан, фан, таълим ва соғлиқни сақлаш йўналишлари учун берилмаган маблаглар сарфланиши юзасидан аниқ ҳисоб-китоб қилинганлиги бўйича масъул вазирилк ва идоралар вақилларининг маърузалари тинлганди. Айтилишича, 2024 йил учун йўналтирилаётган бюджет маблагларининг мақсадли сарфланиши юзасидан аниқ режалар тайёрланган бўлиб, жараён мунтазам мониторинг қилиб борилади.

Қўмида мажлисида яна бир неча таналар кизгин муҳокамадан ўтказилди ва барча масалалар юзасидан Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРНИ РАТИФИКАЦИЯЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУНЛАР — МУҲОКАМА МАРКАЗИДА

Олий Мажлис Сенати Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасининг мажлисида ҳам наватбдаги янги мажлис кун тартибига киритилиши режалаштирилган қатор қонунлар муҳокама марказида бўлди.

Унда сенаторлар, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, қўмида ҳузурдаги экспертлар кенгаши аъзолари ҳамда тегишли вазирилк ва идоралар масъул ҳодимлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вақиллари қатнашди.

Иштирокчилар Вьетнам билан жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномани ҳамда Эрон билан маҳкумларни топшириш тўғрисидаги шартномани ратификация қилишга қаратилган қонунларни муҳокамадан ўтказди.

Таъкидланганидек, Эрон билан бу шартноманинг ратификация қилиниши ҳар икки мамлакат фуқароларига суд томонидан белгиланган ҳазонни ўз мамлакатига ўтатиш ҳуқуқий асос ва имконият яратди. Ҳужжатга қўра, маҳкумларни топшириш қонунда белгиланган тартиб-таомилларга мувофиқ ахдлашувчи томонларнинг илтимосномалари асосида амалга оширилади.

Муҳокама қилишда маҳкумларнинг ҳазонни ўз мамлакатига ўтатиш учун қариндошлари билан мунтазам қўришб туриш имконини бериши ва бу оилавий муносабатларга ихобий таъсир кўрсатиши ҳамда маҳкумларнинг ижтимоий ҳаётга мослашишига ёрдам бериши таъкидланди.

Вьетнам билан жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномани ратификация қилишга доир қонунда жиноий ишларни текиштириш ва бошқа процессуал ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юридик ёрдам кўрсатиш асос ва шартлари назарда тутилмоқда. Хусусан, сўровларнинг шакли ва мазмуни, ёрдам кўрсатиш рад этиш ёки кенчатириш асослари, сўровларни бажариш, ҳимоя қоралари, хавфсизлик кафолатлари, шунингдек, жиноий ишларни таъкибни давом эттириш учун ўтказиш каби муҳим масалалар бўйича қоидалар белгиланмоқда.

Сенаторлар фикрича, ушбу шартномани ратификация қилиш икки давлат ҳуқуқ-тартибот органлари фаолияти самардорлигини ошириш имконини беради, содир этилган жиноятлар учун ҳазонининг муқарраллиги таъминлиши таъминлади.

Шунингдек, қўмида мажлисида 2024 йил учун Давлат бюджети лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди. Сенаторлар мазкур молиявий ҳужжатнинг асосий параметрларига тўхталди. Хусусан, самарали ташқи сибатини амалга ошириш, қулай инвестициявий муҳит яратиш, экспортни рағбатлантириш, туризмни ривожлантириш ҳамда янги транспорт-логистика йўналишларини очишга йўналтирилган маблаглардан мақсадли фойдаланишга эътибор қаратилди.

Қўриб чиқилган масалалар юзасидан Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Ўрганиш

ЭКИН МАЙDONЛАРИГА СУВ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЎРНАТИШ ҚАЙ ҲОЛАТДА?

Шу кунларда Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси раиси Баҳодир Тожиев бошчилигидаги ишчи гуруҳ Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифалар Сирдарё вилояти бўйича қандай бажарилаётгани ҳамда ҳудудда ирригация-мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш борасидаги ишлар ҳолатини ўрганимоқда.

Маълум бўлишича, вилоятда жорий йил давомида 40 км. ирригация объектларини қуриш ва реконструкциялаш режалаштирилган. Шундан 34 км. каналлар, 6,5 км. лоток тармоқлари реконструкция қилинган.

Қолаверса, 764 км. мелиорация объектларини таъмирлаштирилган ишлари учун ажратилган маблаглар ҳисобидан 509 км. коллектор, 255 км. дренаж тармоқлари, 216 дона вертикаль дренаж, 130 та “дайвер” курилмаси ўрнатилиб, таъмирлаш-тиклаш юмушлари бажарилган. Айни чоғда сув микдорини онлайн мониторинг қилувчи 26 дона қурилмадан 23 таси ўрнатилган. Бугун жами 71 дона шундай қурилмадан 56 таси вазирилк серверига улкузисиз маълумот бериб келмоқда.

Ўрганиш давомида шу сингари ихобий ишлар билан бирга, айрим муаммолар мавҳудлиги ҳам аниқланди. Жумладан, вилоятнинг Сайхунбод, Гулистон, Бобёв туманларида айрим ирригация объектларида гидротехник иншоотлар автоматлаштирилмаган ҳамда “ақли” сув қурилмалари тўлиқ ўрнатилмаган.

Шунингдек, вилоятда 2023 йилда жами 21,6 минг гектар майдонда сув тежовчи технологияларни ўрнатиш белгиланган, бироқ бугунги кунда атиги 3,6 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий қилинган, ҳолос.

Ишчи гуруҳ томонидан ушбу масалаларни ҳамда соҳада мавжуд бошқа муаммоларни барта-рақд этиш ва жойида ҳал қилиш юзасидан зарур тавсиялар ҳамда таклифлар берилди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР ТОМОНИДАН КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТўҒРИСИДАГИ МИЛЛИЙ МАЪРУЗА КўРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатларига Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги ҳар йилги миллий маърузани эшитиш кўзда тутилган.

Шундан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг наватбдаги мажлисида депутатлар масалани кўриб чиқдилар. Ушбу миллий маъруза Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан тақдим этилган иккинчи маъруза ҳисобланади.

Миллий маъруза юзасидан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори А. Бурхонов сўзга чикди. У ўз сўзида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сибатининг устувор йўналишлари, соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосларини тақомиллаштириш, коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурларининг ижроси, ушбу соҳадаги давлат органлари фаолияти, давлат бошқаруви соҳасидаги коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлари, жамиятда коррупцияга қарши муросасиз муносабатнинг шаклланиши ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳолининг коррупцияга муносабати ўрганиш юзасидан амалга оширилаётган тадқиқотлар ва соҳага оид ишларга тўхталди.

Депутатларнинг таъкидлашича, ўтган йилги миллий маърузадан фарқли равишда, бу йилги миллий маърузада коррупцияга қарши курашиш борасидаги қилинган амалий ишлар, ислохотларнинг ҳудудлардаги ижроси, эксперимент тарзида бошланган лойиҳалар натижаси, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги замонавий механизмларнинг (Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самардорлигини рейтинг баҳолаш, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш, давлат органларининг очкилик индекси) яратилган.

Шунингдек, коррупция хавф-хатарлари юқори бўлган, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар энг кўп содир этилаётган соҳалар бўйича алоҳида таҳлил ўтказилиб, ушбу соҳаларда коррупциянинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида ахборотлар тақдим этилган.

Халқ вақиллари қайд этганидек, Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самардорлигига ихобий тадқиқот натижаслари, халқаро экспертларнинг фикрлари ҳамда коррупция даражасини баҳолавчи халқаро рейтинг ва индекслар натижалари асосида баҳо берилган. Бундан ташқари, ислохотлар ишчилигини таъминлаш мақсадида ис-тиқболдаги вазифалар, уларни амалга ошириш механизмлари бўйича таклифлар шакллантирилган.

Мажлисида таъкидланганидек, сўнгги йилларда коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат сибати коррупциянинг оқибатлари билан курашиш эмас, балки унинг олдини олишга қаратилган превентив чора-тадбирларнинг амалга оширилаётгани билан аҳамиятлидир. Хусусан, давлат бошқарувида бюрократияни камайтириш, очкилик ва шаффофлиқни таъминлаш, давлат хизматларини кўрсатиш сифатини ахшиллаш, рақамлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар бунга мисол бўла олади.

Давлат хизматларини кўрсатиш сифати ахшилланиб, электрон шаклда кўрсатиладиган давлат хизматлари сони оширилган бўлиб, бугунги кунда 500 дан ортиқ давлат хизматларининг Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон шаклда тақдим этилмоқда.

Бундан ташқари, давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш ишларининг самардорлигини рейтинг асосида баҳолаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида очкилик бўйича амалга оширилаётган ишларнинг самардорлигини баҳолашга қаратилган Очкилик индекси жорий этилди. Шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларида коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш бўйича “Е-Антиkorruptsiya” лойиҳаси ишга туширилди.

Мазкур превентив механизмлар орқали давлат органларининг коррупцияга қарши курашишдаги маъсулияти ва жавобгарлиги кучайтирилиб, жамоатчилик олдидеги ҳисобдорлиги оширилди.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича норматив-ҳуқуқий асосларни тақомиллаштириш, ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш мақсадида соҳага таллуқли 13 та, шунингдек, бошқа соҳалардаги ислохотлар натижасида коррупция омиллари ни қисқартиришга қаратилган 24 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертлардан ўтказиш тизими орқали улардаги коррупция омиллари ни барвақт аниқлаш ҳамда бартараф этиш имконияти яратилди.

Коррупцияга қарши курашиш йўналишида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг изчиллигини таъминлаш мақсадида 2017 йилдан бошлаб коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат дастурларини қабул қилиш амалиёти йўлга қўйилган. Утган давр мобайнида 3 та давлат дастури (2017, 2019, 2023) қабул қилиниб, ўз вақтида ихроси таъминланмоқда. Миллий маърузада коррупцияга

қарши курашувчи давлат органлари фаолияти таҳлил қилинган. “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, коррупцияга қарши курашиш фаолиятини бевоСИТА амалга оширувчи давлат органлари томонидан мамлакатда коррупцияга даражасини камайтириш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқарраллигини таъминлаш ҳамда жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш борасида ихобий натижаларга эришилган.

Жумладан, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан 2022 йил мобайнида коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш, Давлат бюджетни маблагларининг самарали сарф этилишини назорат қилиш, давлат органлари фаолиятининг очкилигини таъминлаш, халқаро ҳамкорлик кўламини кенгайтириш йўналишларида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Агентлик томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, ОАВДА эълон қилинган маълумотлар ҳамда давлат харидларини амалга оширишда қонунбузилиш ҳолатлари бўйича ҳудудлар ва соҳалар кесимида 60 га яқин ўрганишлар ўтказилди. Ўрганишлар натижасида аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан вазирилк ва идораларга 197 та тақдимнома, жавобгарлик масаласини ҳал қилиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга 174 та сўровнома юборилди.

Шунингдек, мансабдор шахсларнинг қонун ҳужжатларига зид равишда чиқарилган 13 та қарори бекор қилинди, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан Жиноят қоритиш тегишли моддалари билан умумий 32 та жиноят иши ва 70 та маъмурий иш кўзгатилиб, 20 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди. Давлат бююртмачилари томонидан амалга оширилган давлат харидлари бўйича 119 та ҳолатда 360,9 млрд. сўмлик хато ва камчиликлар аниқланди.

Шу билан бирга, миллий маърузада Бош прокуратура, унинг ҳузуридagi Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар, Адлия вазирилари ва бошқа идораларнинг фаолияти ёритилган.

Хусусан, Адлия вазирилги томонидан коррупцияга қарши курашувчи ваколатли орган сифатида қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ҳуқуқий ва коррупцияга қарши экспертизалардан ўтказиш, қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларининг тартибга солиш таъсири ни баҳолашдан ўтказиш, шунингдек, аҳоли ва давлат хизматчиларининг ҳуқуқий билимларини ошириш каби йўналишларда чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан,

«Халқ сўзи».

ҲАЁТИЙ ТАШАББУСЛАР ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИДА АКС ЭТМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига, хусусан, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлашга оид бир қатор қонун лойиҳалари атофлича кўриб чиқилди.

Дронлардан ноқонуний фойдаланганлик учун жавобгарлик энгиллаштирилмоқда

Мажлисида депутатлар "Айрим тоифадаги жиноий қилмишлар учун жавобгарлик либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқди.

Амалдаги қонунчиликка кўра, учувчисиз учадиган аппаратларни мамлакатимиз ҳудудига қонунга хилоф равишда олиб кириш, шунингдек, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Яъни бунда уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган.

Тақлиф этилаётган қонун лойиҳасида республика ҳудудига учувчисиз учадиган аппаратлардан ноқонуний фойдаланишни биринчи марта содир этган шахсларга нисбатан жиноий жавобгарлик ўрнига маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда. Бу каби ҳуқуқбузарликларни такрор содир этганини учун жиноий жавобгарлик жазо қораларини энгиллаштириш назарда тутилган.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда учувчисиз учадиган аппаратларни, уларнинг бўловчи ва эҳтиёт қисмларини ўз ичидеги билан топширган шахслар маъмурий жавобгарликдан озод қилиниши белгиланмоқда.

Қонун лойиҳаси юзасидан маъруза қилган Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси Ойбарчин Абдуллаевнинг таъкидлашича, ушбу қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида ишчи гуруҳ аъзолари, ҳуқуқшунослар, экспертлар иштирокда бир қатор тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказилган. Депутатлар томонидан билдирилган тақлифлар асосида қонун лойиҳаси тақомиллаштирилди, пишқиқ-пухта ҳолатга келтирилган.

Мажлисида қонун лойиҳасининг долзарблиги, аҳамиятидан келиб чиқиб, у депутатлар томонидан қабул қилинди.

Маъмурий баённома тузиш ваколати яна кимларга берилмоқда?

Депутатлар томонидан "Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 248-моддасига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Тақлиф этилаётган қонун лойиҳаси билан вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологларга ўқувчилар тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва мактабларда жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳуқуқбузарлик содир қилган шахсларга нисбатан маъмурий баённома тузиш ҳамда белгиланган тартибда жазо чорасини қўллаш ваколатлари берилмоқда.

Шу билан бирга, хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторларга ҳимоя ордери талабларини бажармаганлик учун назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённома тузиш ваколатини берилмоқда.

Бу бежиз эмас. Чунки бугунги кунда мактабларда фаолият юритаётган инспектор-психологларга ўз вақтида таъсир чораларини кўриш учун маъмурий ишларни кўриб чиқиш ваколати берилмагани вояга етмаганлар ва уларнинг ота-оналари томонидан инспектор-психологларнинг талабларига бўйсунмаслик ҳамда амалга оширилаётган профилактик тадбирларга бепасандлик билан қарашга олиб келмоқда. Худди шунингдек, хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган тизимли ишларда ҳам айрим муаммолар кўзга ташланмоқда.

Қонун лойиҳаси муҳокамасида бир қатор саволлар ўртага ташланди. Хусусан, депутат Мухтабар Хусанова хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторлар ҳамда вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологлар бугунги кун талабларига, яъни маъмурий баённома тузишда уларнинг билими қанчалик етарли экани ва бу бўйича қандай ишлар амалга оширилаётгани билан қизиқди.

Ички ишлар вазирлиги ўринбосари Б. Абдуллаев хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторлар 2019 йилдан, вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологлар эса 2021 йилдан тегишли қарорларга асосан фаолият юритаётгани, ўтган вақт давомида улар етарли даражада малака тўллаганини қайд этиб ўтди. Қолаверса, Ички ишлар Академиясидаги ўқув курсларида улар мунтазам ўқитилаётгани, уларда ҳам бу бўйича амалий машғулотлар уюштирилаётганини таъкидлади. Ва албатта, жойларда профилактика инспекторлари ҳам уларга яқиндан қўмақлашиши айтиб ўтилди.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Божхона қийматини аниқлаш билан боғлиқ нормалар халқаро стандартларга мувофиқлаштирилмоқда

"Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига божхона тартиб-таомилларини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнини тезлаштириш ҳамда миллий қонунчилигини ЖСТ битим, қоида ва меъёрларига мувофиқлаштириш мақсадида ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси билан божхона орган-

ларига қўшимча ҳуқуқ ва вазифалар белгилашга ҳамда ташқи савдо фаолияти иштирокчиларига яратилган қулайликлар янада кенгайтириш ва уйғунлаштириш тўғрисидаги халқаро конвенция (Киото, 1973 йил 18 май, 1999 йил 26 июндаги ўзгаришлар билан) стандартлари имплементация қилиниши назарда тутилган қонун лойиҳаси билан Божхона кодексига 4 та янги модда ва 43 та моддага тегишли ўзгаришлар киритилмоқда.

Ушбу лойиҳада товарларни олиб киришда божхона қийматини аниқлаш билан боғлиқ нормалар Жаҳон савдо ташкилотининг қоидаларига мувофиқлаштирилмоқда. Бир вақтнинг ўзига бир нечта божхона тартиботини амалга ошириш учун божхона тўловлари тўланишини белгилувчи Бош таъминлов ҳужжатини қўллаш амалиёти киритилмоқда.

Қонун лойиҳаси билан тадбиркорга товарларни Ўзбекистонга олиб келгунга қадар улар бўйича божхона тўловлари ва ишлаб чиқариш билан мамлакатини аниқлаш юзасидан олдиндан маълумот олиниши ҳуқуқий асоси мустаҳкамланмоқда. Мазкур янги тартибнинг жорий этилиши тадбиркорларга ўз бизнесларини олдиндан режалаштиришга янада кенг имконият яратиб беради.

Товарлар бўйича экспертиза яқунланмаган бўлса ҳам, ушбу товарларни импортга шартли чиқариб юбориш амалиёти жорий этилмоқда.

Қонун лойиҳаси учун масъул қўмита ҳулосасига кўра, мазкур қонуннинг қабул қилиниши божхона тартиб-таомиллари соддалаштирилиши ва шаффофлиги таъминланишига хизмат қилади.

Йиғимларни божхона ҳудудига тўлаш имконияти яратилади

Депутатлар томонидан "Ўзбекистон Республикасининг Божхона ва Солиқ кодексларига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама этилди.

Маълум қилингандек, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, мамлакатимизга кириб келаётган автотранспорт воситаларидан чегара постларида бир қанча йиғимлар ундирилади. Бу жараёнлар транспорт эгалари ва мутасаддилардан қўшимча вақт талаб этиб, тирбандликлардан ортқича тўсиқлар юзага келишига сабаб бўлмоқда. Шу боис республикага кириб келаётган ва транзит ўтаётган автотранспорт воситаларининг божхона расмиёлатларини соддалаштириш мақсадида Божхона қўмитаси томонидан қонун лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги таъкидланди.

Қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасига кириб келаётган ва транзит ҳаракатланаётган автотранспорт воситаларини давлат назоратидан ўтказишда, чегара божхона постларида ундирилиши белгиланган йиғимларни божхона ҳудудига тўлаш имконини яратиш назарда тутилмоқда.

Қонун ташаббускорларининг фикрича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши чегара ўтказиш пунктлари орқали ҳаракатланаётган автотранспортларни давлат назоратидан ўтказиш тартиблари соддалаштирилишига ҳамда республиканинг транзит салоҳияти ва жозибдорлиги ошишига хизмат қилади.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Қонун ҳужжатлари ўртасидаги тафовутлар бартараф этилади

Маълумки, янги таҳрирдаги Конституциямиз талабларидан келиб чиқиб, шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилган маъмурий ислохотлар доирасида Табиат ресурслари вазирлиги Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигига айлантирилди ҳамда унинг ваколатлари, вазифа ва функциялари, фаолиятининг устувор йўналишлари белгиланди.

Мажлисида муҳокама қилинган қонун лойиҳаси билан "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонунга тегишли ўзгаришлар киритилмоқда. Хусусан, вазирликнинг номи, вазифа ва функцияларини қонун ҳужжатларида белгилаш тақлиф этилмоқда. Шу билан бирга, Олий Мажлис палаталари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатларини янада такомиллаштириш кўзда тутилган.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши қонун ҳужжатлари ўртасидаги тафовутларни бартараф этиш, давлат органларининг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги масъулиятини янада оширишга хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга солиқ имтиёзлари берилмоқда

Мажлисида кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — "Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 483-моддасига маҳаллий заргарлик буюмларини ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бўлди.

Хусусан, қонун лойиҳаси доирасида Солиқ кодексига 2027 йил 1 январга қадар заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчилар қимматбаҳо тошларни хомашё сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда қўшилган қиймат солигини тўлашдан озод қилиниши назарда тутилган қўшимча киритилмоқда.

Қонун ташаббускорларининг асослашича,



қимматбаҳо тошлар захиралари мамлакатимизда мавжуд эмаслиги ҳамда уларнинг асосий қисми импорт қилиниши махсуслот таннархининг ошишига сабаб бўлмоқда.

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ўринбосари Х. Тешабоевнинг таъкидлашича, қўшимча қиймат солиғи бекор қилиниши натижасида қимматбаҳо тошлардан заргарлик маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган кичик ишлаб чиқарувчиларда 10 фоизгача, ўрта ишлаб чиқарувчиларда 20 фоизгача, йирик ишлаб чиқарувчиларда 25 фоизгача ишлаб чиқариш ҳажмлари ошиши кутилмоқда. Шунингдек, қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик маҳсулотларини экспортга йўналтириш ва шунга мос равишда республикамиз бюджетига солиқ тушумларини оширишга эришилади.

Муҳокама давомида қонун лойиҳаси юзасидан бир қатор тақлифлар берилди. Жумладан, депутат Зафар Худойбердиев қонун лойиҳасини концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватлаган ҳолда қонун лойиҳасининг тушунириш хати ва матнидаги тафовутларни бартараф қилиш зарурлигига эътибор қаратди. Депутат, тушунириш хатида солиқ имтиёзи четдан олиб келинадиган қимматбаҳо ҳамда ярим қимматбаҳо тошлар учун қўлланилиши келтирилган бўлса-да, қонун лойиҳаси матнида "ярим қимматбаҳо тошлар" сўзлари акс эттирилмаганини сабаби билан қизикди. Шунингдек, солиқ имтиёзи қўлланилиши ҳисобига бюджет даромадлари ёки тушумлари қанчалик ошиши ёки камайиши бўйича аниқ ҳисоб-китоб қилиниши ҳақидаги саволни ўртага ташлади.

Қонун ташаббускорларининг маълум қилишича, қимматбаҳо тошлар муомаласига оид халқаро қонунчиликда ҳамда Ўзбекистон қонун ва қонуноти ҳужжатларида "ярим қимматбаҳо тошлар" тушунчасига аниқ ҳуқуқий таъриф берилмаган. Шу боис Солиқ кодексига киритилиши тақлиф этилаётган қўшимча ҳам ярим қимматбаҳо тошлар сўзлари акс эттирилмаганлиги таъкидланди.

Қонун лойиҳаси учун масъул қўмита ҳулосасига кўра, мазкур қонуннинг қабул қилиниши ишлаб чиқарувчиларни хомашё билан таъминлаш, заргарлик буюмлари таннархининг пайсаси, янги иш ўринларини яратишга, экспорт ҳажмининг оширишга ҳамда соҳадаги "яширин иқтисодиёт"га барҳам беришга хизмат қилади.

Қизгин савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Сел ва кўчки хавфи мавжуд ҳудудларда бино ва иншоотларни лойиҳалаштириш тақиқланади

"Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексининг 47-моддасига ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан Шаҳарсозлик кодексининг 47-моддасига сел ва кўчки хавфи мавжуд ҳудудларда бино ва иншоотларни лойиҳалаштириш ва қуришни тақиқлашни киритиш тақлиф этилган.

Қонун ташаббускорларининг фикрича, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан сел ва кўчки ҳодисалари хавфи мавжуд ҳудудларда инсонларнинг ҳаёти ва уларнинг мол-мулкни асраш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа объектларининг барқарор фаолияти таъминланиши билан боғлиқ муносабатлар тартибга солинади.

Муҳокамалар давомида депутатлар қонун лойиҳасининг аҳамияти, аниқ чоғда заруратини ҳисобга олиб, уни янада такомиллаштириш, пишқиқ-пухта ҳолатга келтириш бўйича бир қатор тақлифлар берди.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Миллий қонунчилигимиз Жаҳон савдо ташкилоти битимларига уйғунлаштирилаётир

Мажлисида "Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигининг Жаҳон савдо ташкилоти битимларига уйғунлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан интеллектуал мулк соҳасидаги тегишли қонунларга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилмоқда. Хусусан, интеллектуал мулк объектларини рўйхатга олиш жараёнларида ортқича қозғобозлик ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, давлат хизматлари кўрсатиши соддалаштириш мақсадида

товар белгиси, товар келиб чиққан жой номи ва (ёки) товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома-ларни бериш муддатини 10 кундан бир кунга қисқартириш белгиланмоқда.

Шу билан бирга, хорижий инвестициялар иштирокчидан корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказганлик учун урнатилган давлат божи миқдорини Ўзбекистон Республикаси резидентлари таъсисчилигида ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун белгиланган давлат божи миқдори билан бир хил этиб белгилан назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши миллий қонунчиликни ЖСТ битимлари талабларига мувофиқлаштириш, Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларнинг жисмоний ва юридик шахсларига бир хил шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

Муҳокамалар давомида депутатлар қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини, тақлифларини билдирди. Хусусан, депутат Уктам Исломов "Давлат божи тўғрисида"ги Қонунга киритилаётган ўзгаришларда резидентлар ва норезидентларга бож миқдори бир хил қилинган, бунинг натижасида резидентларга бугунги кунда амалда бўлган ставкалар қарийб икки мартага ошаётганини билдирди ва бунга асос берди ёки йўқлигини сўради.

Қонун ташаббускорлари ушбу саволга жавоб берар экан, корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказишда давлат божининг бирхиллаштирилиши қайд этилди. Яъни олдин чет эл инвестицияси иштирокчидан корхоналар давлат рўйхатидан ўтказиш учун БҲМнинг 10 баравари миқдоридан давлат божи ундирилган, ўзининг резидентлар — жисмоний ва юридик шахслар томонидан ташкил этилган корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш учун эса БҲМнинг 1 баравари миқдоридан давлат божи ундирилганини билдирди. Бу талаб Жаҳон савдо ташкилоти битимларига зид бўлгани сабабли, уни унификация қилиб, барчага нисбатан БҲМнинг бир баробари миқдоридан давлат божи ундирилишини таъкидлаб ўтди.

Қизгин баҳс-мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг фаолияти қўллаб-қувватланади

"Болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг фаолиятини янада қўллаб-қувватлашга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам қизгин муҳокама қилинган ҳужжатлардан бири бўлди.

Тақлиф этилаётган қонун лойиҳасида касба уюшмалари тизимидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларини болаларнинг дам олиш мавсумидан ташқари вақтда дам олиш масканлари сифатида фойдаланишини ташкил этиш ва бундан олинадиган даромадлари бўйича маълум бир муддатга фойда солигидан озод этилиши назарда тутилмоқда. Шунингдек, оромгоҳларни мажбурий равишда сертифицилаштирилиши тақлиф этилмоқда.

Депутатлар болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг ёзги мавсумдан ташқари фаолият кўрсатишини қўллаб-қувватлаган ҳолда сертифицилаштириш талаб этилмаслигига оид айрим мулоҳазаларни билдириб ўтди. Хусусан, депутат Уктам Исломов бундай ёндашув иқтисодий мувозанат бузилишига сабаб бўлишини, бошқа тадбиркорлик субъектлари манфаатларига зид эканини ҳамда соғлом рақобат муҳитига салбий таъсир кўрсатишини қайд этди.

Депутатнинг фикрича, лойиҳадаги "дам олиш масканлари" дейилганда, меҳмонхона назарда тутилган. Меҳмонхона хизматини кўрсатиш учун эса талаб қилинадиган сертифицикати олиш лозим.

Қонун лойиҳасига масъул қўмита раиси Эркин Зоҳидов шу ва бошқа билдирилган фикр-мулоҳазалар лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида муфассал кўриб чиқилишини ва аниқлаштирилишини маълум қилди. Зарурат ва аҳамияти нуктаи назаридан келиб чиқиб, қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Қонун лойиҳаси такомиллаштириладиган бўлди

Мажлисида бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган — "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар оғибудсмани) тўғрисида"ги қонун

лоийҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масаласи кенг кўламли демократик ислохотларнинг бош мезонига айланиб улгурди.

Эътиборлиси, болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш конституциявий асосда мустаҳкамланди. Янги таҳрирдаги Конституциямизда ота-оналарнинг фарзандлари олдидаги мажбурийати алоҳида кўрсатилди, ота-оналарнинг вазифаларидан маҳрум бўлган ва етим болаларга ғамхўрлик кўрсатиш давлатнинг бурчи сифатида белгиланди. Қолаверса, болалар меҳнатининг боланинг соғлигига, хавфсизлигига, ахлоқига, ақли ва жисмоний ривожланишига хавф солувчи, шу жумладан, унинг таълим олишига тўсқинлик қилиши ҳар қандай шакллари тақиқланиши Бош қомус даражасида кафолатланди.

Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш ва ушбу соҳадаги халқаро мажбуриятларни бажаришининг таъсирчан тизими яратилди, уларнинг баркамол авлод бўлиб етишишни таъминлашга қаратилган фаолиятининг институционал ва ҳуқуқий асослари тубдан такомиллаштирилди.

Давлатимиз раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси билан мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва кафолатлари қучайтирилиб, мажбурий меҳнатга, шу жумладан, болалар меҳнатига бутунлай барҳам берилди. Болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар оғибудсмани) институти таъсис этилди.

Тақлиф этилаётган оқоридаги қонун лойиҳасида Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг мақоми, унинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, вазифалари ва ваколатлари ҳамда Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг давлат органлари, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро муносабатлари белгиланмоқда.

Шу билан бирга, Болалар оғибудсманига мансабдор шахсларга қонунчилик бузилишига йўл қўймастик тўғрисида оғохлатириш ва тақдимномалар киритиш ҳуқуқи берилмоқда. Бундай ҳуқуқ Болалар оғибудсманни фаолияти таъсирчанлигини оширади. Хусусан, бу бола манфаатлари бузилишига йўл қўйган ҳар қандай мансабдорга тегишли чора кўрилишига эришиш имконини яратди.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил, унга қонун билан берилган ваколат доирасида боланинг конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга ва уларни амалда таъминлашга масъул бўлган тегишли ташкилотларнинг фаолияти устидан самарали парламент назоратини ўрнатилган хизмат қиладиган қонун лойиҳаси концептуал жиҳатдан депутатлар томонидан маълумланган эди.

Айни пайтда қонун лойиҳасининг иккинчи ўқишдаги муҳокамаси жараёнида лойиҳага юридик-техник ҳамда таҳририй тузатишлар киритиш зарурати мавжудлиги маълум бўлди. Хусусан, бола ҳуқуқлари бўйича вакил фаолиятининг ҳуқуқий асослари, асосий принциплари ҳамда болалар ҳуқуқлари бўйича вакилни сайлаш билан боғлиқ нормаларда қонунчилик техникасига оид бўлиш ва камчиликлар мавжудлиги қайд этилди.

Қизгин муҳокамалардан сўнг депутатлар мазкур қонун лойиҳаси матни Атамалар комиссиясига тақдим этилиши ва комиссиянинг лойиҳадаги нормаларда юридик, техник ва бошқа махсус қоидаларга риоя этилганлиги бўйича тегишли ҳулосасига эга бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Қонун лойиҳаси янада такомиллаштирилиши мақсадида масъул қўмитага қайтарилди.


Тадбиркорлик субъектларининг эркин ҳаракатланишини таъминловчи кафолатлар белгиланмоқда

Мажлисида, шунингдек, "Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилиниши муносабати билан "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар ва қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, янги таҳрирдаги Бош қомусимизда фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва ундан манфаатдор бўлиши, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун кафолатлар белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳаси билан тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтган ҳудудидан қатъи назар, уларнинг товарлари, хизматлари, меҳнат ресурслари

БОЛА НЕГА ЖИНОЯТГА ҚЎЛ УРАДИ?



Эскидан қолган пурхикмат нақл бор: "Боланинг бегонаси бўлмайди". Бунга шубҳа йўқ. Болажонлик барча халқлар қатори ўзбекларга ҳам хос.

Ўтмишга назар соладиган бўлсак, Иккинчи жаҳон уруши йиллари, қаҳатчилик даврида ҳам халқимиз нафақат ўз ўғил-қизлари, балки бошқа миллатлар фарзандларини-да кўча-кўйда қаровсиз қолдириб қўймаган.

Бир болага етти маҳалла ота-она. Бу қадрият асрлар оша аجدодлардан авлодларга ўтиб келмоқда. Аммо бугунги глобаллашув даврида баъзи азалий аънъаналаримизга дарз кетмоқдаки, бу бола тарбияси билан боғлиқ турли муаммоларни ҳам келтириб чиқараётди.

Мушоҳада

Жумладан, қаровсизлик, назорат-сизлик сабаб айрим ўсимлар нопок йўлларга қадам босмоқда. Вақтини беҳуда ишларга сарфлаб, умрини увол қилаётди. Четдан кириб келётган турли "оммавий маданият" шаклларининг ёш авлод онгига ўрнашиб олаётгани ҳам бор гап.

Дарҳақиқат, ахборот технологиялари юксак даражада тараққий этган бугунги кунда ёш авлоднинг турли иллатлардан, зарарли ахборот оқимларидан асраш асосий муаммолардан бирига айланган. Виртуал одам "чангалзор"ида бемалол "сайр" қилиб юрган ҳар қандай ёш ўзи биллиб билмай миллий урф-одатларимизга, аънъаналаримизга, қолаверса, эътиқодимизга тўғри келмайдиган ёшларга илакишиб қолаётгани таассуфли.

Ёшлар ва вояга етмаганлар тақдирига баъзи ота-оналар бефарқлигининг ижтимоий оқибатлари одамни ўйга толдиради. Мехр-оқибат туйғуси сийқалашиб, фарзандларининг қисмати айримлар учун пул топиш, шидда карьерга қилиш ва бошқа хою ҳаваслардан кейинги ўриндаги масалага айланган илакиқибат ижтимоий мухит барқарорлигига салбий таъсир кўрсатапти.

Сурхондарё вилояти жугрофий жиҳатдан юртимизнинг жанубида жойлашгани ва учта давлат билан чегарадош экани ҳисобга олинса, бу борадаги масала низолатда но-

зик, айна пайтда жиддийлиги ойдинлашади. Ҳар нафас, ҳар қадамда огоҳликни давр тақозоси биллиб, вояга етмаганлар ҳамда ёшларни тўғри йўлга йўналтириб, уларнинг таълим-тарбияси билан жиддий шугулланишга ундайди.

Яқинда вилоят ҳокимлиги томонидан жорий йилнинг 9 ойи мобайнида қаровсиз ва назоратсиз ҳамда ижтимоий оғир аҳволдаги вояга етмаган 209 нафар ёш ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштирилганлиги айтилди.

Ўрганишлар давомида 2021—2023 йилларда мактабларда таълим олиши мажбурий бўлган 378 нафар ўқувчи узоқ муддатга бошқа ҳудудларга чиқиб кетгани аниқланган. Ачинарлиси шундаки, Қумқўрғон, Бойсун ва Денов туманларидаги айрим мактабларда дарсга мунтазам қатнашмаган ҳамда давлат имтиҳонларини топширмаган ўқувчиларга "Шаҳодатнома" берилган. Ўқувчилар-ку қандайдир сабаб тўғрисида дарсларга эътиборсиз бўлишган, аммо ота-оналар, ўқитувчиларни нима жин урганки, қонун талабларини бузиб, сохтакорликка йўл қўйишган?!

Ўз-ўзидан савол пайдо бўлади: ҳўш, нега кейинги пайтда вилоятда вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида жиноятлар сони озаймапти? Бунинг асосий сабаби нимада? Мавжуд вазиятни ўнглаш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича воҳада қандай профилактик ишлар амалга оширилмоқда? Сурхондарё вилояти ИИБга

қарашли Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказидан олинган маълумотга кўра, ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан марказга жалб қилинганлар сони бўйича қиёсланса, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик содир этиш ҳолатлари камайган. Бироқ эртамаиз эгаларининг бахт-саодатида чанг солаётган битта ҳолат ҳам дилини хира қилади.

— Марказимизга олиб келинган вояга етмаганларга, аввало, ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам берилади. Болаларнинг ижтимоий келиб чиқиши, қайси ҳудудда яшашига қараб, туман ҳокимликларидан фаолият юритувчи вояга етмаганлар иши бўйича комиссия билан ҳамкорликда чора-тадбирлар қўрилади, — дейди Сурхондарё вилояти ИИБга қарашли Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази психологи, катта лейтенант Моҳида Жўраева. — Болаларга кўрсатилётган ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам чоралари ўз самарасини бермоқда. Аммо шундай ота-оналар ҳам борки, ўз фарзандининг ҳулқ-атворидан безиб кетгандай таассурот уйғотади. Уларни жигарғўшасининг келгуси ҳаёти қизиқтирмайди. "Индаманг, 4-5 кун жазосини олсин, кўзи очилсин" қабилидаги жавобини беришади. Боласини олиб кетишга шийлолмаётган ёки марказда сақланишдан манфаатдор ота-оналарга "сенга фарзанд ҳайф" дегинг келади.

Муассасага олиб келинаётган болаларнинг қилмиши билан қизиқсангиз, ақсариятининг ота-онаси ишлаш учун узоқ муддатга хорижий давлатларга кетгани, ёш навнихол қариндошлар қўлида назоратсиз қолгани оқибатида ҳуқуқбузарлик йўлига кирганига амин бўласиз. Шунингдек, ажрим ёқасига келиб қолган, нотинч оила фарзандлари ҳам кўп ҳолларда ҳуқуқбузарлик содир этмоқда. Шунинг ҳам айтиш кераки, вилоят чегара ҳудудида жойлашгани сабабли марказга қабул қилинаётганлар орасида чет элликлар, жумладан, афгон фуқаролари ҳам бор.

Бу ерда болалар, аввало, тиббий кўриқдан ўтказилади. Келтирилиш сабаблари ўрганилиб, руҳий ҳолатини аниқлаш мақсадида психопрофилактик суҳбат олиб борилади.

Муассасада айрим вояга етмаганлар билан бўлиб ўтган суҳбат давомида шунга амин бўлдики, вилоятда ёшлар ва вояга етмаганлар билан ишлаш масаласида ҳали кентикликлар бор. Бу ерга олиб келинган 18 ёш оstonасидаги М. исмли қизнинг ҳикоси кўнгилни эзади. Отаси руҳий носогол, онаси эса уни холасига ташлаб хорижга кетиб қолган. Холасидан етарлича меҳр кўрмаган М. уйдан чиқиб кетиб, Термиз шаҳрида бир хонали ўйни ижарага олган. Чойхона ва кафеларда ишлаб, ўзига пул топмоқчи бўлган. Аммо жинсий тажовузга учраган. Вояга

етмаган яна бир А. исмли қиз эса Термиз шаҳридаги тунги клубларда раққослик қилган...


Ўтказилган таҳлил натижаларига кўра, жорий йилнинг 10 ойи мобайнида вилоятда 4 083 та ҳолатда жиноятга қўл урилган. Бу ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 348 тага ёки 9,3 фоизга кўпайганини аниқлатади. Биргина Термиз шаҳри ҳудудида вояга етмаган шахслар томонидан содир этилган жиноятчилик сезиларли даражада ошган. Улар, асосан, қасддан баданга шикаст етказиш, ўғрилик, фирибгарлик, безорилик, транспорт воситасини олиб қочиш каби жиноятлар туркумига кириди.

Келажагимиз ворислари бўлмиш ёш авлодга замонга мос таълим-тарбия бериш бугунги янги Ўзбекистон шароитида ўта муҳим вазифалардан бири саналади. Шу боис давлатимиз томонидан таълим тизимига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёшларга барча шарт-шароит яратиб берилаяпти. Нафақат таълим-тарбия ўчоқларида, балки маҳалла фуқаролар йиғинларида ёшлар етакчилари фаолият юритаётди.

Қилинаётган ишларнинг самараси ўлароқ, ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятлар сони айрим ҳудудларда камаймаётгани, албатта, ташвишланарли ҳол. Шу ўринда жойларда маҳалла фуқаролар йиғинлари маъмулрлари, профилактика нозирлари, ёшлар етакчиси ҳамда таълим муассасаси ўртасида жиддий ҳамкорлик ўрнатишга алоҳида зарурят сезилмоқда.

Эндиликда ҳар бир маҳалла, ҳар бир таълим даргоҳида руҳан ва маънан кучли, ҳар томонлама биллимли психологлар, навқирон авлод келажаги ҳақида чин дилдан қайғурадиган педагоглар ишлаши — давр талаби. Ҳар бир ота-онанинг эса фарзандлари томонидан содир этилаётган катта-кичик ҳуқуқбузарликлар, жиноятларнинг келгусида келтириб чиқариши мумкин бўлган ижтимоий оқибатлари ҳақида жиддий ўйлаб қўриши юксак инсоний бурчдир.

Холмуҳаммад ТОҒАЙМУРДОВ.
Сурхондарё вилояти



ФАЙЗЛИ МАНЗИЛЛАР

Навбахор туманидаги Қоровултепа маҳалласининг қишда лой, ёзда чанг кўчалари, деярли издан чиққан инфратузилма, ўзбошимчилик билан куриб ташланган иншоотлар, шаҳарсозлик мезёрларига мутлақо зид иморатлар кўрimsизлигидан қишлоқ ҳаётининг хижолати ортарди.

Аслида бу каби манзара вилоятнинг Хатирчи туманидаги Хўжақўрғон, Учқудуқ туманининг Қулқудуқ, Томди туманидаги Ҳўмурод, Нурота туманида жойлашган Чуя ва ҳудуднинг яна ўнлаб қишлоқларига хос бўлиб, мазкур гўшаларда ободонлаштириш масалари билан бирга электр энергияси, табиий газ ва ичимлик суви таъминоти, транспорт қатнови, хизмат кўрсатиш тармоқларида муаммолар йиғилиб қолган эди.

Бугун ушбу қишлоқлар обод, аҳолининг кайфияти чоғ. Эзгу ташаббус доира-сидаги тадбирлар натижа-сида Қоровултепа қишлоғи ҳам улар қаторидан ўрин олди.

— Дастур доирасида қишлоғимиздаги ички йўлларнинг 3,5 километрига шағал, 4,2 километрга эса асфальт ётқизилди, — дейди маҳалла раиси Ойбек Қудратов. — Шунингдек, 3 километр пиёдалар йўлига янгидан бар-по этилиб, 38 та йўл ҳаракати белгиси ўрнатилди. Электр таъминотини яхшилаш мақсадида 45 та темир-бетон устун ўрнатилиб, 12 та трансформатор таъмирланди ҳамда 1,3 километр тармоқ янгидан тортилди.

Қоровултепанинг салкам 3 минг 200 нафар аҳолиси 692 хонадондаги 856 та оилага бирлашишган. Аҳолига газ икки усул, яъни сувоштирилган ва қувурлар орқали етказиб берилди. Газ таъминотидаги муаммоларга барҳам бериш мақсадида дастур асосида аҳолига 38 та янги газ баллонлари етказиб берилди, 671 та аҳоли яшаш хонадо-

нидаги газ жиҳозлари техник кўриқдан ўтказилиб, табиий газ тармоғи тўлиқ реконструкция қилинди. Ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўйича эса 400 метрлик сув қувурлари ётқизилди ҳамда аҳоли хонадонлари сув тармоқларига уланди.

"Обод хонадон — обод кўча — обод маҳалла" мезонлари асосида мутлақо янги қиёфа касб этган Қоровултепада Конституция қабул қилинганнинг 31 йиллиги фуқаролар йиғинининг янги биноси очилиши тантанасига уланиб кетди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда маҳаллада олиб борилган бунёдкорлик ва жамоат ишларида фаолиги ҳамда байрам муносабати билан бир гуруҳ фаолларга республика идораларининг кўкрак нишонлари ва ташаккурномалари топширилди.

— Ободлик — аввало, ҳар бир кўнгилдан бошланиб, хонадон ва обод кўчаларда эъ аксини топади, — дейди меҳнат фахрийси Бахтиёр Икромов. — Ҳеч муболага-сиз, маҳалладошларимиз кўнглига бугун ободлик билан бирга файзу барака кириб келди. "Шу уй, шу кўча, шу маҳалла меники, унинг ободлиги учун мен масъулман" деган эзгу ғоя кенг қулоч ёганини қишлоқдошларимиз кайфиятидан ҳам англаш мумкин. Буларнинг бари давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳаётга таъбиқ этилаётган инсон қаддини улуглаш, унинг манфаатларини таъминлашга доир изчил ислохотлар самарасидир.

Темур ЭШБОВ
(«Халқ сўзи»).

Тадбиркорлик

ЗАМОНАВИЙ ДАСТГОҲЛАР ЎРНАТИЛДИ

"Қарши мебель" корхонаси Қашқадарё вилоятидаги энг йирик ва кўп йиллик тажрибага эга мебель ишлаб чиқарувчи субъектлардан бири ҳисобланади.



Жамият раҳбари Саломат Комилованинг саъй-ҳаракати билан сўнгги йилларда корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳияти бир неча маротаба ортди, янги иш ўринлари яратилди. Бироқ ишни янада ривожлантириш учун электр энергияси, йўл, жой торлиги билан боғлиқ бир қатор муаммоларни ҳал этишга тўғри келаётган эди.

Жорий йилда корхонага Қарши шаҳридаги "Қавали" кичик саноат зонасидан жой ажратилган янги ишлаб чиқариш тармоғини барпо этишга киришилди.

— Кичик саноат зонасидан 12 сотих майдонда умумий қиймати 8,5 миллиард сўм бўлган янги лойиҳани амалга оширдик, — дейди Саломат Комилова. — Корхонамиз, деярли янгидан тугилди, десак, ҳам

Жаҳонгир БОЙМУРДОВ
(«Халқ сўзи»).

Тикувчилик ўқув маркази иш бошлади

Қўштепа туманида жойлашган "Global Textile Infinity" корхонаси қошида замонавий тикувчилик ўқув маркази тантанали равишда фойдаланишга топширилди.

Бандлик

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари шу йил февраль ойида Фарғона вилоятига ташрифи доирасида ушбу корхонада бўлиб, бир қатор ташаббусларни илғари сурган эди. Хусусан, 3 миллион долларлик истиқболли лойиҳа натижасида "Global Textile" гуруҳига мансуб корхоналар учун малакали кадрлар тайёрлаш масаласи кўриб чиқилганди.

— Янги ўқув маркази тўлиқ ўз маб-

лагимиз ҳисобига бунёд этилди, — дейди тадбиркор Музаффар Раззоқов. — Бу ерда ўқув жараёнида касб ўргатувчиларга иш ҳақи ҳам тўлаб борилади. Марказда йилга 700 нафарга чала малакали тикувчилар тайёрлаш, қайта тайёрлаш имконияти мавжуд. Шу тариқа ўқув марказида йилга 2,5 миллион донга замонавий трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда уларни сотиш бўйича бизнес-режа ишлаб чиқилган.

Шунингдек, ҳозирги кунда таширф давомида белгиланган вазифалар до-

ирасида тайёр маҳсулотлар турини кўпайтириш ҳамда таниқли брендлар билан ҳамкорлик ўрнатишга ҳаракат қилинмоқда. Хусусан, айни мақсадда Франция, Германия ҳамда АҚШнинг дунёга машҳур компаниялари билан алоқалар ўрнатилади.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, бугунги кунда "Global Textile" компаниялар гуруҳи 6,5 миңдан зиёд ишчи-ҳодимларни қамраб олган. Кластер корхонасида пахта етштиришдан тортиб, тайёр маҳсулот яратишга чалган жараёнда кўплаб салмоқли ютуқларга эришилмоқда.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

Чарм саноати: ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР САМАРАЛАРИ

Кундалик турмушимизда аҳолининг озиқ-овқат, хусусан, гўшт маҳсулотларига бўлган талаби кун сайин ўсиб бораётгани сир эмас. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда чорвачиликни жадал ривожлантириш, соҳага илгор технологияни жорий этишга устувор аҳамият қаратилиб, жойларда чорва бош сонларини кўпайтириш, улардан олинаётган бирламчи маҳсулотларни қайта ишлаш орқали аҳоли дастурхонини янада тўкин қилиш, саноатни эса зарур ҳошайё билан тўлдиршига муваффақ бўлишмоқда.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда Наманган вилоятида 1,8 миллион бош қорамол парваришланаётди. Йилга уларнинг 500 минг бошдан кўпроги гўшт ва тери олишга йўналтирилади. Бу вилоятда чарм саноати, хусусан, пойабзал ишлаб чиқариш қувватларини етарли ҳошайё билан таъминлашда катта имконият, дегани.

Айтиш лозимки, маҳаллий ҳунармандчилик ривожланган бу ҳудудда қорамол терисини қайта ишлаб буйича етарли тажриба тўпланган. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган кўнчилик кейинги йилларда саноат даражасига кўтарилиб, пойабзал тайёрлаш корхоналарининг ҳошайё масаласида импортга қарамлиги мунтазам камайиб боришмоқда.

"Ўзаримсаноат" уюшмасининг ҳудудий бошқармасига бирлашган корхоналар йилга 600 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот тайёр-ляяпти. Унинг 14 миллион АҚШ долларига тенг қисми экспортга чиқарилаётди. Кейинги беш йил даво-

мида 30 миллион долларга тенг қийматдаги 50 дан зиёд лойиҳалар рўёби билан қувватлар ҳажми тўрт бараварга ортиб, ўндан ортик янги турдаги маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Айтилик, 2017 йилда фаолият бошлаган "Нафис чарм" масъулият чекланган жамиятида ўз-натирилган замонавий воситалар кўмаги билан корхонада самарали техно-логик занжир яратилган. Йилга 300 мингга терига ишлов бериб, 100 миллион сўмлик тайёр маҳсулотга айлантираётган корхона Португалия, Хитой, Россия ҳамда Қозоғистон давлатлари билан 6 миллион долларга тенг ташқи савдо амалиётларини бажармоқда.

Бошқа бир лойиҳа — "Грант чарм пойабзаллари" масъулият чекланган жамиятида дастлабки босқичда 100 минг жуфт маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган қувватлар яратилган эди. Эллик киши меҳнат қилаётган корхона эндиликда навбат-даги лойиҳа ижросига киришди.

Наманган шаҳридаги собиқ "Электротерм" МЧЖнинг фойдаланилмай турган биноси сотиб олиниб, 5 миллион доллар қийматдаги технологик қайта жиҳозлаш ишлари олиб боришмоқда. У ниҳоят-сига етиши билан 2024 йил охиридан пойабзал таглиги ва бошқа бутловчи қисмлар тайёрлашни ўзлаштириш орқали айни пайтда Хитойдан келтирилаётган 200 минг долларга тенг ашёлар импортга че қўйилди.

Истеъмол бозорини чарм-галан-терея маҳсулотлари билан тўлдир-ришда бугун вилоятда тўрт корхо-на фаол иштирок этмоқда. "Нази-фа чарм текстиль" масъулият чек-ланган жамиятида тайёрланаётган болалар ва аёллар сумкалари ўзин-нинг пишиқлиги, кўрак дизайни билан харидорлар эътиборини қозонган. Хўжалик юритиш субъек-тида меҳнат қилаётган 50 киши ойига 10 миң донадан ортик маҳ-сулотлар ишлаб чиқараётди. Йил-лик экспорт ҳажми эса ярим мил-лион долларга етди.

Тизимдаги корхоналарга бирлам-чи ҳошайё ҳамда яримтайёр маҳ-сулотларни етказиб беришда учта қушхонанинг илгор технологиялар билан жиҳозланиши имкониятлар-ни янада кенгайтирди. Жумладан, улардан бири — "Намангангўшт"

масъулият чекланган жамиятида йилга 50 миң бош қорамол суйи-либ, дастлабки ишловдан чиқари-лади. Корхона бугунги кунда Наман-ган шаҳридаги таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларига ҳар ойда 200 тоннадан ортик гўшт етказиб беришдан ташқари ҳамкорликдаги субъектларни юқори сифатли қорам-ол териси билан таъминламоқда.

— Соҳа давлатимиз томонидан изчил қўллаб-қувватланиши, айниқ-сал, қўллаб-тўловлар бўйича имтиёз-лар яратиб берилганлиги истиқбол-ли лойиҳалар ижросига қанот ба-ғишламоқда, — дейди "Ўзарим-саноат" уюшмаси Наманган вилоя-ти бошқармаси бошлигининг ўрин-босари Оқилжон Нажмиддинов. — Масалан, кейинги пайтларда ягона солиқ тўлови бўйича 10 миллиард сўмликдан кўпроқ, божхона тўлов-ларидан эса 15 миллиард сўм маб-лағининг корхоналар ихтиёрида кол-дирилиши жойларда ишлаб чиқар-ишни модернизациялаш, бинолар-ни реконструкция қилиш тадбирла-рига йўналтирилди.

Дарҳақиқат, чарм саноатида қаратилаётган эътибор соҳадаги корхоналар фаолиятини кенгайти-риш баробарида, қўллаб тадбир-корлик субъектларининг мазкур йўналишга қизиқишини орттирмоқ-да. Мисол учун, Уйчи туманида



Кўнчилик

амалга оширишга киришилган йи-рик лойиҳа орқали чорвачилик, гўшт етштириш, терини қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот кўришишга келти-ришга ихтисослаштирилган кластер ташкил қилинди. Бунинг учун 10 гектар майдон ажратилган. Бу ерда жамланган бешта корхона томонидан 45,1 миллиард сўм қийматдаги 10 та лойиҳа рўёбга чиқарилади. Бундан ташқари, Поп ва Косонсой туманларида ҳам те-рини йиғиш ҳамда саралаш корхо-налари очилди.

Вилоятда чарм саноатини янада ривожлантиришга қаратилган бу сингари чора-тадбирлар ҳудудлар ихтисодиётини мустақкамлаш, янги иш ўринларини яратиш, пирова-рдада аҳоли даромадларини оши-ришда муҳим ўрин тутиши билан аҳамиятлидир.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ
(«Халқ сўзи»).

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.
Газетанинг ҳақиқати маълумотларини оқибат олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.
ISSN 0013-0788
172030 078004

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1241. 32 472 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Өсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.
Телефон: 71-259-74-51

Тахририятга келган қўлёмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.
• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислоом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳих — С. Исломов.
"Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.40
Топширилди — 03.25 1 2 3 4 5 6